Шарқ юлдузи

2001

Учинчи фасл

70-йил чиқиши

Адабий-ижтимоий журнал

Муҳаррир
Омон МУХТОР

Таҳририят ҳайъати раҳбари
Ўткир ҲОШИМОВ

ТАҲРИРИЯТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Ҳумоюн Акбаров
Маннопжон Аҳмедов
Асад Дилмурод
Бойназар Йўлдошев
Бахтиёр Карим
(муҳаррир ўринбосари)
Қуронбой Матризаев
Холмуҳаммад Нуруллаев
Абдулла Орипов
Икром Отамурод
Ботир Парпиев
Ихтиёр Ризо
Муртазо Султонов
Юсуф Файзулло
(масъул котиб)
Ислом Шоғуломов
Тўлепберген Қаипбергенов
Рустам Қосимов

**МУАССИСЛАР:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ**

www.ziyouz.com kutubxonasi

Абдулла Улуғов,
филология фанлари номзоди

Адабий танқид мавқеи

Инсоният тарихида янги давр — XXI аср бошланди. Вақт ҳамиша узвийлик қонунига амал қилади. Шу асосда аждодлар ва авлодлар орасида муштараклик вужудга келади.

Ўтган аср адабиёти аввалги асрлар адабиёти заминида ўсиб улғайди. Янги аср адабиёти ҳам ўтган замонлар адабиёти асосида шаклланади. Бироқ, унга XX аср адабиётининг таъсири, айниқса, салмоқли бўлади.

XX аср ўзбек адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири — унда бадиий адабиёт ва адабий танқидчиликнинг бақамти ривожланганлигида намоён бўлди. Адабиёт майдонида бундай ҳолат бошқа бирор-бир даврда кузатилмаган эди. XX асрда бадиий адабиёт ва адабий танқидчилик ўзига хос мусобақа ўрнатди. Бу мусобақа ғоят қизғин кечди.

Адабиётнинг, жумладан, адабий танқидчиликнинг эътибор қозониши Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ҳамза сингари алломаларнинг саъй-ҳаракати заминида юзага келди. Улар адабиёт воситасида ҳар томонлама зулм исканжасида қолган миллатнинг тафаккурини уйғотишди. Ҳаётдаги ижтимоий-иқтисодий турғунликни, адабиётдаги қолоқликни кескин танқид қилишди. Турмушимиз ва адабиётимиз ночор бўлгани учун фикримиз мажруҳ, аҳволимиз ачинарли, дейишди. Уларнинг миллатпарварлик йўлидаги бу интилиши, ҳаракати изсиз кетмади.

Бу, аввало, адабиётни ҳаётга яқинлаштиришда намоён бўлди. Чўлпон, Фитратларнинг адабиёт ва ҳаётни бир-бирига боғлаш ҳаракати XX аср ўзбек адабиётига ўзига хос қиёфа берди. Аввалги даврларга қиёслаганда уни беқиёс даражада улғайтирди.

«Фитрат — кўп асрлик ўзбек маданияти тарихида ғоятда улуғ ва ноёб ҳодиса. У шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, публицист, адабиётшунос, санъатшунос, тилшунос, тарихчи, файласуф... Бундай кенг билимли, ҳар томонлама истеъдодли сиймони XX аср жаҳон адабиётида бошқа топиш маҳол», дейди Наим Каримов. (Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Тошкент. «Маънавият» нашриёти. 2000. 205-бет.) Фитрат ижодида адабиётшуносликка оид асарлар алоҳида ўрин тутади. Улар илмий теранлиги билангина эмас, балки адабиёт нималигини англатиши жиҳатидан ҳам қадрлидир. Унинг ўз давридаги қадри Чўлпоннинг «Бизнинг уламо ва эшонларимиз тўн киймакдан, авомларимиз эса чойхоналарга чиқуб, чой ичмакдан ва зиёлиларимиз эса Оврупо кийимларидан ва қийматлик папируслардан лаззат олурларки, «Адабиёт надир?» десанг, «яъни, масалан»дан бошқа жавоблари йўқдир», (Чўлпон. Адабиёт надир? Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1994. 37-бет.) деган надоматларида ҳам кўринади. Фитрат сафдошлари адабиётни мияни ўзгартирувчи асосий таянч восита деб билишди. Чўлпон: «Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилуб турғон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво не қадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун шул қадар адабиёт керакдир» деса, (Чўлпон. Адабиёт надир? Тошкент. Чўлпон нашриёти. 1994. 36-бет.) Фитрат: «Адабиёт — фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир», дейди. (Фитрат. Адабиёт қоидалари. Тошкент, Ўқитувчи нашриёти. 1995, 21-бет.) Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорлар авлоди ана шу заминда улғайди. Улар адабиёт ҳар қандай қуролдан қудратли эканлигини англашди. Абдулла Қаҳҳор: «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас», деб ёзди. Абдулла Қаҳҳорлар авлоди ижоди моҳиятини уларнинг тенгдошлари эмас, кейинги авлод кўпроқ қадрлади. Бунда, албатта, мунаққидлар муносиб хизмат кўрсатишди.

50-йилларнинг ўрталаридан кейин адабий танқидчилик аста-секинлик билан

www.ziyouz.com kutubxonasi

асарнинг ўзи ҳақида, унинг маъно-мазмуни, бадиий-эстетик жиҳатлари хусусида сўз юритишга киришди. Адабий танқидчиликнинг бу янги йўлига «Бизнинг тенглайимизни Ғафур Ғулом шеърлари билан кўтаришган» (Озод Шарафиддинов) деган авлод асос солди. Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом асарлари бу авлод учун энг қизиқарли ва доимий мавзуга айланди. Чунки бу даврга келиб, замонавий адабиёт ҳақида фикр билдириш оммавий тус олди. Бу кўплаб мунаққидларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Адабий танқидчилик майдонига айримлар адабиётга меҳри туфайли қадам қўйган бўлса, баъзилар тезроқ унвон-даража, мансаб-мартабага эришиш, шон-шуҳрат қозониш учун кирди. Чунки бу соҳага шўро ҳукуматининг эътибори баланд эди. Шунинг учун бу даврда ҳам адабий танқидчилик шўро сиёсати белгилаб берган доира атрофида фаолият олиб борди. «Ғоявийлик бадиийликнинг бош мезони бўлиши керак!» деган қараш таҳдид солиб турди. Адабий танқидчилик 50-йилларгача ғоявий мухолифларни мамлакат ичидан излашга зўр берган бўлса, кейин Ғарб адабиёшунослари билан олишувга киришди. Аниқроғи, Ғарбни душман сифатида кўрсатишни кучайтирди. Бироқ одамлар ҳамма замонларда ҳам рост сўзни қадрлашади. Чунки улар рост сўзга ҳамиша эҳтиёжманд бўлишади. Рост сўз уларга мисоли сув ва ҳаводай керак бўлади. Рост сўз одамларга ғайритабиий тарзда маънавий-руҳий қувват беради. Буни бирор-бир нарса билан тенглаштириб ёки қиёслаб бўлмайди.

Замонавий ўзбек адабиёти ҳақида рост сўзни ёзишга интилган мунаққидлар кўп бўлди. Бироқ, улар орасида Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддиновнинг сўзи бўлакча жаранглади. Аниқроғи, бу икки мунаққиднинг қарашлари адабий танқидчиликнинг йўналишини белгилаб берди. Улар Абдулла Қодирийдан Абдулла Ориповгача бўлган давр адабиётини таҳлил қилдилар, унга баҳо бердилар. 60-йиллардан кейин адабиёт майдонига қадам қўйган мунаққидларгина эмас, шоир, ёзувчилар ҳам бу икки мунаққидни «устоз» деб эътироф этдилар. Матёқуб Қўшжонов: «Адабиёт ижтимоий онгнинг маҳсули сифатида майдонга келгандан бери икки йўналиш билан ривожланяпти. Бири — ҳаётнинг ижобий томонларини улуғлашдан иборат бўлса, иккинчиси — ҳаётнинг ярамас томонларини фош қилиш — инкор қилишдан иборатдир. Қайси бир шоир ёки ёзувчини олманг, унинг ижодида доим мана шу икки йўналишни кўрамиз. Шоир ё ёзувчи ниманидир улуғлайди, ё ниманидир қоралайди. Бироқ умум адабиётнинг вазифаси бор: ҳаётнинг гўзал, ижод учун ўрнак бўларлик томонларини улуғлаш, ҳаётнинг ижобий томонларининг моҳиятини жамият аъзоларига тўлароқ очиб бериш. Инкор қилиш ҳам сўзсиз шу мақсадга бўйсунади. Фақат фарқи шундаки, ҳаётнинг ижобий томонларини улуғлашда санъаткор ўз вазифасини бевосита амалга оширади, ҳаётнинг салбий томонларини фош қилувчи санъаткорлар эса бу ишда билвосита йўллар билан боради», (Матёқуб Қўшжонов. Абдулла Қаҳҳор ижодида сатира ва юмор. Тошкент. «Фан» нашриёти. 1973 йил, 3-бет.) деган қарашлардан келиб чиқиб, бадиий асарларга баҳо берди. Асар қиёфасини, таъсирчанлик даражасини ижодкорнинг бадиий маҳорати белгилаб беришини кўрсатди. «Ўтган кунлар», «Сароб», «Ўғри», «Бемор», «Қутлуғ қон», «Улуғбек хазинаси» каби асарларни заргарона қунт билан таҳлил қилди. Матёқуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигида бадиий асарни ундаги деталлар асосида таҳлил қилиш йўналишини бошлаб берди. Унинг Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек сингари ижодкорлар асарларига бағишланган ишлари шундай тадқиқотлар сирасига киради.

«Адабиёт инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурини бойитади, ҳаёт ҳақидаги билимини кенгайтиришда жуда катта ёрдам беради», дейди Озод Шарафиддинов. (Озод Шарафиддинов. Адабиёт — ҳаёт дарслиги. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981. 10-бет.) Мунаққид мазкур мулоҳазаларини қуйидагича асослайди: «Ҳаёт» деганлари шу қадар мураккаб ва баъзан шу қадар бешафқатки, одам ёлғиз ўзи бу саволларга ҳамма вақт ҳам тўғри ва аниқ жавоб топа олмайди. Адабиёт ҳаётнинг мураккаб йўлларида адашмай тўғри юришда одамга ёрдамга келади. Йўқ, адабиёт турли-туман вазиятларда ўзини қандай тутиш лозимлиги ҳақида тайёр кўрсатмалар, бир қолипдаги дастуриламаллар бермайди. Одам ҳаётда шундай жумбоқларга рўпара келиши мумкинки, уларни ёлғиз ўзи, ҳеч кимнинг кўрсатмасисиз, мустақил ҳал қилгандагина унинг қалбида қаноат туйғуси пайдо бўлиши, маънавий ўсишининг янги босқичига кўтарилиши мумкин. Адабиёт билан доимий мулоқотда бўлган одам бундай жумбоқларни ҳал қилишда унча қийналмайди. Гап шундаки, жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари, биринчи навбатда, бизнинг виждонимизни ҳаракатга келтиради, уни тинимсиз уйғоқ бўлишга ундайди, ҳаётдаги ҳар бир қадамимизни вижлон амри

www.ziyouz.com kutubxonasi

билан мослаштириб боришга одатлантиради. Бунга у биздаги адолат ва ҳақиқат туйғусини ўткирлаштириш йўли билан, қалбимизда оламдаги жамики яхши, эзгу нарсаларга шафқат алангасини гуриллатиш билан эришади» (Ўша манба. 14-бет).

Келтирилган парчалардан кўриниб турибдики, бу икки мунаққиднинг «хат»и бир-биридан бирмунча фарқ қилади. Матёқуб Қўшжоновнинг «хат»ида босиқ, оҳиста мантиқий мулоҳаза юритиш хусусияти кўринса, Озод Шарафиддиновникида шеърга хос оҳангдорлик устуворлиги сезилади. Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддиновнинг «хат»и ёзувчи, шоиргина эмас, балки мунаққид ҳам ўзига хос услубга эга бўлиши лозимлигини кўрсатади. Ўзбек адабиётида ана шу икки мунаққид фаолияти туфайли «мунаққид услуби» ҳақида мулоҳаза юритила бошланди.

Албатта, адабиёт майдонида бошқа мунаққидлар ҳам бор эди. Улар ҳам жуда фаол ишлашди. Замонавий адабиёт ҳақида ўз сўзларини айтишга интилишди. Хусусан, Иброҳим Ғафуровнинг «хат»и ҳамманикидан бўлакча бўлиб алоҳида ажралиб турди. Норбой Худойберганов «ўз сўзи, ўз қиёфаси» билан кўринди. Умарали Норматов ҳар қандай асарга ҳам «ҳайратда қоладиган» ва тез муносабат билдириб келди. Матёқуб Қўшжонов уларга маълум муддат адабиётдан маърузалар ўқиган. Озод Шарафиддинов эса қирқ йилча университет талабаларига дарс берган. Айтиш мумкинки, уларнинг шогирдлари ижоди 60-йиллардан кейинги давр ўзбек шеърияти, насри, адабий танқидчилиги қиёфасини белгилади. Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддиновнинг ижодкор мунаққид сифатида адабиётга қўшган ҳиссаси, аввало, ана шунда кўринади. Абдулла Қаҳҳор: «Мен адабиёт муҳибиман, чинакам муҳибман, шунинг учун адабиётга яшнаб кирган ёшларни кўриб қувониб кетаман, қувончимни ўша ёшнинг ўзига миннатдорчилик изҳор қилиб айтаман, бу яшнаган чўғни елпиш демакдир. Буни сезган талантли ёшлар менга ҳусну таважжу билан қарайди», дейди. Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов ўз устозларидек адабиётнинг чинакам муҳиби бўлишди. Улар қаламидан «ярқ» этиб учқун чиққан ҳар бир қаламкашга хайрихоҳ бўлишди. Ёш ижодкорларнинг интилишларини доимо қўллаб-қувватлашди. Албатта, уларнинг шогирдлари орасида яллиғланиб ёнганлари ҳам, тезда ўчиб кетганлари ҳам бўлди. Аниқроғи, яллиғланмасдан қолганлари кўпроқ учрайди. Бу — табиий. Чунки сўзнинг юкини ҳар кимнинг ўзи кўтаради. Бу ишда унга ҳеч ким кўмак беролмайди. Сўз эса жуда оғир, залворли. Унинг меҳнати, заҳмати филни ҳам пашшага айлантириб қўяди. Шунинг учун адабиётда шогирднинг ўсиб-улғаймаслигига, аввало, унинг ўзи сабабчи бўлади. Бунинг учун устозни айбдор қилиш ўринли бўлмайди.

Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддиновнинг адабиётнинг чинакам муҳиби эканлиги уларнинг шогирдларига муносабатида ҳам кўринди. Айрим шогирдлари уларнинг қарашларини тамоман инкор этувчи чиқишлар қилишди. Жумладан, Абдулла Қаҳҳор асарларига айблар тақишди. Бироқ Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов устозларига бўҳтон ёғдирган бу шогирдларини кескин қайириб ташлашмади. Уларнинг ўз фикрини бемалол айтишига эркин қўйиб беришди. «Наҳотки, шундай экан?!» дегандай босиқ сукут сақлашди. Вақт эса ҳаммасини ўз ўрнига қўйди. Абдулла Қаҳҳор ва унинг сафдошлари шахси, ижоди ҳақида айтилган аксарият айбловлар асоссиз эканлигини кўрсатди. Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддиновнинг Абдулла Қаҳҳор асарлари тўғрисидаги мулоҳазалари ўринли эканлиги маълум бўлди. «Сароб» романи ўзбек адабиётининг энг мумтоз асарларидан бирилиги янада аёнлашди. Бу ҳақиқатлар ойдинлашганидан кейин ҳам устоз мунаққидлар ўз шогирдларининг ҳовлиқмалигини маломат қилишмади. Бўҳтонлар бўрони ўтиб бўлганидан кейин Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти, ижоди ҳақида қатор тадқиқотлар яратишди. Уларда аввалги қарашларини янада чуқурлаштиришди. Бу икки мунаққид ўз фикрини ҳеч қачон мутлоқ ҳақиқат сифатида тиқиштиришмади.

Албатта, Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов ҳам шахс ва ижодкор сифатида нуқсон, камчиликлардан тамоман фориғ эмас. Уларнинг адабиёт ҳақидаги мулоҳазаларига бугунги нуқтаи назардан қаралса, талайгина ярашиқсиз ўринлар борлиги билинади. Бироқ бу ноқисликларнинг юзага келиши, аввало, ўша даврнинг тартиб-қоидалари, мезону ўлчовларига бориб тақалади. Матёқуб Қўшжонов ҳам, Озод Шарафиддинов ҳам шўро мафкурасини мақтади. Ўша замонда нафақат улар, балки ҳамма шундай қилишга мажбур эди. Қолаверса, кўпчилик сингари улар ҳам «социализмнинг шарофати»га, «ривожланган социализм шарофатида Коммунистик партиянинг маданий қурилиш соҳасидаги сиёсати»га ишонишди. «Бутун дунё пролетарлари доҳийлари»ни улуғлашди. Уларни ўзларига ибрат деб

www.ziyouz.com kutubxonasi

билишди. «Мен нафақат мунаққид ва адабиётшуносман, балки мунтазам равишда таржимонлик ҳам қилганман. Таржима қилган асарларим орасида Ленинга бағишланганлари кўп. У пайтларда мен Ленин ҳақида очерклар ва ҳикоялар, қиссалар ва романларни ўзбек китобхонларига етказиб беришни жуда муҳим иш деб ҳисоблардим. Ўзбек ёшлари бу китобларни ўқиб, доҳийдан ибрат олса, унга ўхшаган баркамол бўлишга ҳаракат қилса қандай яхши! У кезларда кўпгина совет кишилари каби Ленинни парвардигордек, бенуқсон деб билардим. Жиндай тили чучуклигини айтмаса, бошқа айби йўқ эди», дейди Озод Шарафиддинов (Абдуғафур Расулов. Истеъдод ва эътиқод. Тошкент. «Шарқ» нашриёти. 2000. 182-бет).

«Танқид» оддий сўз сифатида ҳам ёқимли эмас. У жуда совуқ эшитилади. Аввало, шундан бўлса керак, танқид ҳеч кимга ёқмайди. Бирорта одам астойдил: «Мени танқид қилинг» демаса керак. Энг тўғри танқид ҳам дилни оғритади. Кайфиятни хира қилади. Ҳар бир ёзувчи, шоир эса ўзини жамиятнинг энг пешқадам одами санайди. Улар ўзига хос ғурур, кибр билан яшайди. Кўпчилик кишилар ёзувчи, шоирни ўзларига ибрат намунаси деб биладилар. Табиийки, бундай мақомдаги одамлар танқидни хушнудлик билан қабул қилишолмайди. Асари ҳақидаги заррадай танқидий фикр ҳам ижодкорга наштардай ботади. Чунки унга ҳар бир асари худди вужудининг бир бўлагидай, фарзандидай кўринади. Аммо ўқувчиларга тақдим қилинган асар адабиётнинг мулки саналади. Бу мулк одамларнинг дидига, фикрига заҳм етказмаслиги шарт. Адабий танқидчилик эса элнинг адабий савияси учун ўзига хос ҳимоячи саналади. Шунинг учун у баъзи ижодкорларнинг дилини оғритади. Айримларининг эса элга танилишига сабабчи бўлади. Адабий танқидчиликнинг маданий жамиятдаги ўрни, вазифаси айни шу билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида ҳаётимизда янада беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Аввало, ҳаммамизнинг онгимиз, дунёқарашимиз ўзгарди. Жумладан, мунаққидлар ҳам ўз ишига янгича нуқтаи назардан қарай бошлашди. Бунда икки хил ҳолат кўзга ташланади. Айрим мунаққидлар адабиётдан бироз узоқлашди, баъзилари эса адабиётнинг чинакам муҳиби эканини яна бир бор намоён этди. Хусусан, Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов ижтимоий ҳаётга янада фаолроқ муносабатда бўлди, ижодкор сифатида янада фаоллашди. Улар, аввало, мустақиллик улуғ неъмат эканини таърифлаб, газета-журналлар саҳифаларида, радио-телевидениеда кўплаб чиқишлар қилишди. Ўз турмуш сабоқларини ўқувчиларга етказишга интилишди. Матёқуб Қўшжонов кечмиш-кечирмишлари, хотираларини бадиий манзаралантириб «Дағиш»га ўхшаган ўзига хос асарлар яратди. Мунаққид битган бу бадиий асарлар, аввало, деталларга бойлиги, нозик кузатишларга сероблиги, мантиқий хулосасининг салмоқдорлиги билан ўзига хослик касб этади.

Озод Шарафиддинов «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» мақоласида: «Мен партияга жуда катта орзу-умидлар билан кирган эдим. Мақсадим — мансаб эмас, имтиёз эмас, балки маслакдош дўстлар билан биргаликда улуғ ишларни амалга ошириш, маънавият юксакликларида парвоз қилиш, инсон деган номга доғ туширмай яшаш эди. Минг афсуски, бу орзулар ушалмади», деб шўро тузуми кирдикорларини кўрсатди. Шу тузумда яшаган, унинг ғояларига алданган минг-минглаб одамларнинг дилидаги гапларини айтди. «Озод аканинг энг севган нарсаси, энг ардоқлайдиган бойлиги, ажралмас дўсти — китоб... Озод ака саёҳатни, янги жойларни кўришни, дўстлар орттиришни севади. Лекин бу қизиқиш китобга бўлган муҳаббати олдида ҳеч гап эмас», деб ёзади шогирди Абдуғафур Расулов. Мунаққид мустақиллик йилларида китобга бўлган меҳрини, адабиётга муҳаббатини янада тўлиб-тошиб бошқаларга ҳам юқтиришга интилди. Худди шу ниятда таржимага шўнғиб кетди. Жаҳон адабиётининг дурдона асарлари билан ўзбек китобхонларини таништиришда жонбозлик кўрсатди. У Суқроту Лев Толстой каби донишмандларнинг Оскар Уайлду Анатолий Рибаков, Эфраим Севелаю Игор Бунич каби ўнлаб ижодкорларнинг асарларини, дунё халқлари умрбоқий ҳикматларини ўзбекчага ўгирди.

Матёқуб Қўшжонов ва Озод Шарафиддинов каби адабиётнинг чинакам муҳиби бўлган ижодкорларнинг халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида мунаққид, муаллим, мутаржим, ёзувчи, публицист, ношир сифатида сидқидилдан қилган меҳнатлари маданий-маърифий ҳаётимизда юз берган ижобий ўзгаришларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Фидойиликлари ибратга айланди. Ибрат бўлиш бахти эса ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

ҲАЁТ КЎРКИ

Абдуғаффор Қирғизбоев. Ўзбекистон ва жаҳон . . . 3
Назиржон Саидов. Олимжон Холдор. Офарин . . . 5
Пардабой Эргашев. Мустақиллик берган қанот . . . 11

ШОИРУ ШЕЪРУ ШУУР

Мақсуда Эгамбердиева. Сурмаранг оқшомлар ошиғим . . . 14
Асқар Маҳкам. Борлиқ ишқдир поёнсиз . . . 15
Оймома Обидова. Насимларнинг муждасида бахт . . . 17
Мўмин Аваз. Баланд остонанга етаклар орзу . . . 20
Абдулла Шер. Ёнаётган йўл. Достон . . . 35
Дилором Ҳамроева. Қалбимга кўчган бул сурат безавол . . . 108
Бахтиёр Маҳмуд. Огаҳий ғазалларига мухаммаслар . . . 110
Илҳом Ҳамро. Муҳаббат бор гул титрофида . . . 112

АСРЛАР, АСАРЛАР

Оқилжон Ҳусан. Ҳикоялар . . . 21
Раъно Розиқова. Ҳикоялар . . . 32
Абдул Қодир. Эржигит. Ҳикоя . . . 43
Ихтиёр Ризо. Насрий назмлар . . . 48
Мэри Шелли. Янглишган даҳо ёхуд Янги Прометей. Саргузашт роман . . . 53
Насимхон Раҳмон. Руҳиятдаги нур муроди. Монавийларнинг тавбаномаси . . . 114

АДАБИЙ ДАВРА

Салимахон Эшонова. Иноят истаган кўнгул . . . 120
Мухтор Худойқулов. Фельетонлар қироли . . . 122
Абдулла Улуғов. Адабий танқид мавқеи . . . 128
Шоира Исаева. Тасвирда ҳолатлар чегараси . . . 132
Отабек Жўрабоев. Муршиди Фарғона кимдур? . . . 134
Назира Тошпўлатова. Услуб ва замонавийлик . . . 138

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Турсунбой Адашбоев. «Бу оламга боқдик очиқ назар билан» . . . 140
Сафар Барноев. Ботир юракларда баҳорлар қолди . . . 144

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Тоҳир Қаҳҳор. Кўзгу . . . 147
Алиназар Эгамназаров. Улуғ дарё . . . 149

ГУЛҚАЙЧИ

Жўра Маҳмуд. Алдар кўсанинг мўйлови. Ҳажвия . . . 150
Розиқ Рўзи. Бошқа кўча кишилари. Ҳажвий шеърлар . . . 151
Ўткир Саидов. Пародиялар . . . 152
Замондош бурчаги . . . 155
Адабий бошқотирмалар . . . 156

СУҲБАТ

«Пахта-Банк» ишончли ҳамкор . . . 157

Безовчи рассом Абдухалил Турсунов

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. *Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. *Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. * Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 3.09.2001 й. Босишга рухсат этилди 31.10.2001 й. Қоғоз формати 70x1081/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1500 нусха. Буюртма № 2531.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, 700000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi